

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АЛИЕВА НИГОРА РУСТАМОВНА

**ЮҚОРИ ИНСОЛЯЦИЯЛИ МИНТАҚАДА
БОЛАЛАРДАГИ ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИДА
Д ВИТАМИНИНИНГ АҲАМИЯТИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Алиева Нигора Рустамовна

Юқори инсоляцияли минтақада болалардаги ичак касалликларида
Д витаминининг аҳамияти..... 3

Алиева Нигора Рустамовна

Роль витамина Д при заболеваниях кишечника
у детей в зоне высокой инсоляции 29

Alieva Nigora Rustamovna

The role of vitamin D in bowel diseases
of children in zones of high insolation..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 60

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АЛИЕВА НИГОРА РУСТАМОВНА

**ЮҚОРИ ИНСОЛЯЦИЯЛИ МИНТАҚАДА
БОЛАЛАРДАГИ ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИДА
Д ВИТАМИНИНИНГ АҲАМИЯТИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Tib60 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот - таълим тармоғига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Камилова Алтиной Турсунбаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шамсиев Фазлитдин Сайфутдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Кондратьева Елена Ивановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси)

Сабирова Рихси Абдукадировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қозоғистон Республикаси ССВ педиатрия ва болалар хирургияси илмий маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871) - 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин (____ - сон билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 223 - уй. Тел./Факс: (+99871) 262-33-14).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Э.А. Шамансурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.М. Шарипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, Марказий Осиё минтақасида ичак касалликлари педиатриянинг долзарб масалаларидан бири бўлиб, улардан энг оғир ва прогностик салбий касаллик целиакия (Ц) умумий аҳолининг 1%да, сурункали энтероколитдан (СЭ) ер юзидаги 12 дан 34%гача бўлган аҳоли азият чекади. Европа мамлакатлари ва Шимолий Америкада аллергия энтероколитлар (АЭ) 12% болаларда учрайди. Ўзбек олимларининг фикрига кўра, аллергия энтероколитнинг республиканинг турли худудларида учраши 21,7 дан 34,2% гачани ташкил этади.

Жаҳон миқёсида, болалар касалликлари, жумладан болаларда юқори даражада инсоляцияланган минтақаларда ичак касалликлари клиник жиҳатдан оғир кечиши, айниқса кичик ёшдаги болалар орасида учраши, беморлар ҳаёт сифатини пасайиши муҳим тиббий ва ижтимоий муаммолардан бирига айланди. Касалликни ташхислаш ва даволаш бўйича самарадорлигини яхшилайдиган анъанавий ёндашувларни қайта кўриб чиқиш эҳтиёжи ортиб бормоқда. Бу борада, минтақага мансуб витаминлар танқислиги ва етишмовчилигининг клиник юзага келиши хусусиятларини аниқлаш; атроф-муҳит омилларининг ва витаминлар етишмаслигининг болаларнинг жисмоний ривожланишига таъсирини асослаш; витаминлар етишмаслигининг ичак касалликларида овқат ҳазм қилиш тизимига таъсирини исботлаш; болалар ичак касалликларига минераллар алмашинуви ва қалқонсимон олди беши таъсирини аниқлаш; Д витамини миқдори ва bc1-2 , p53 оксиллар гуруҳи таркиби билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш; целиакияли болаларда ўн икки бармоқли ичак шиллиқ қавати морфологик ўзгаришларини аниқлаш муҳим ўрин тутди. Шунингдек, юқори даражада инсоляцияланган минтақаларда ичак касалликларида Д витамин етишмовчилигини ташхислаш, миқдорини аниқлаш ва даволаш чора-тадбирларининг замонавий усулларини ишлаб чиқиш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолининг турли қатламлари орасида соматик касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга, айниқса болалар орасида соғлом муҳит яратишга, минтақавий аҳамиятли ҳисобланган ичак касалликларнинг тарқалиши ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш» вазифалари белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, юқори даражада инсоляцияланган худудларда болалар ичак касалликларини

олдини олиш, айниқса кичик ёшдаги болаларда кузатиладиган асоратларни камайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 ноябрдаги ПҚ–2650-сон Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистонда 2016–2020 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон Қарори билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Юқори даражада инсоляцияланган минтақаларда болалар ичак касалликларида D витаминининг ўрнини аниқлаш, ташхислаш ва даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, University of British Columbia (Канада), Zhejiang University (Хитой), Warsaw University (Польша), University of Cincinnati, Stanford University (АҚШ), Harvard Medical School (Буюк Британия), University of Budapest (Венгрия), Simon Fraser University Burnaby Canada (Канада), Chonbuk National University (Жанубий Корея), University Federico II, Naples (Италия), University of Debrecen (Венгрия), Leiden University (Нидерландия), Tel-Aviv University (Исроил), Federal University of Santa Catarina (Бразилия), ФБГУ Болалар саломатлиги илмий маркази ва ФБГУ Озиқлантириш институти, Санкт Петербург давлат педиатрия тиббиёт университети (Россия Федерацияси), Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий педиатрия тиббий марказида (Ўзбекистон Республикаси) олиб борилмоқда.

Жаҳонда юқори даражада инсоляцияланган минтақаларда болалар ичак касалликларида D витаминининг ўрнини асослаш, даволаш ва профилактикасига йўналтирилган илмий тадқиқотлар юзасидан қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: овқат рациониди D витаминни етишмаслиги яллиғланишга хос пептидларнинг TNF- α , IL-1 β , IL-6, TGF- β , IL-17A и IL-17F шунингдек микробларга қарши REG3 γ нинг ошириши

¹Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.ubc.ca, www.cmm.zju.edu.cn, www.sggw.pl, www.uc.edu, www.med.stanford.edu, www.meded.hms.harvard.edu, www.uni-corvinus.hu, www.sfu.ca, www.en.jbnu.ac.kr, www.unina.it, www.edu.unideb.hu, www.universiteitleiden.nl, www.tau.ac.il, www.ufsc.br, www.gpma.ru, www.tashpmi.uz ва бошқа манбалари асосида амалга оширилган.

исботланган (University of British Columbia, Канада); Д витаминининг етишмаслиги йилнинг баҳор ва киш ойларида кузатилиши, йўғон ичак фаолиятининг пасайиши ва инфекцияон касалликлар сонининг ортиши ва Крон касаллигининг олдини олишига шароит яратиши асосланган (Zhejiang University, Хитой); Д витаминининг етишмаслиги организмнинг минерал гомеостази, яъни суяклар, ичак ва буйраклардаги физиологик ўзгаришларни кучайишига олиб келиши исботланган (Warsaw University, Польша); Д витаминининг етишмаслиги оқибатида инсонларда ўсмалар, юқумли касалликлар, аутоиммун касалликлар, юрак-қон томир ва метаболик касалликлар, нейрокогнитив бузилишлар келиб чиқиши исботланган (Medical University of Vienna, Австрия; University of Helsinki, Филландия; University of California, АҚШ; Leuven Belgium, Бельгия); Д витамини танқислигини олдини олиш ва даволаш мақсадида болаларда Д витамини танқислиги ва етишмовчилигини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган (Россия дипломдан кейинги таълим университети, Россия).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида болаларда юқори даражада инсоляцияланган минтақаларда ичак касалликларида Д витамини етишмовчилигини ташхислаш ва даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: минтақага мансуб витаминлар танқислиги ва етишмовчилигининг клиник юзага келишининг ўзига хослигини, ичак касалликларида овқат ҳазм қилиш тизимига таъсирини исботлаш; минераллар алмашинувининг айрим параметрларини аниқлаш; болаларда ичак касалликларида қалқонсимон олди беши фаоллиги, Д витамини миқдори ва bcl-2, p53 оқсиллар гуруҳи таркиби билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш; целиакияли болаларда ўн икки бармоқли ичак шиллиқ пардасида эпителиаларо лимфоцитларни аниқлаш; Д витамини саплементацияси ва анъанавий даволаш фонида касалликнинг турли кўринишларида ишлаб чиқилган даволаш усуллариининг самарадорлигини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Целиакия бўлган катта ёшли беморларда Д витамини ҳолатини аниқлаш ёритиб берилган ягона тадқиқот мавжуд. Олинган маълумотларга кўра, Д витамини миқдори камайиши Ц бўлган 64% эркакларда ва 71% аёлларда кузатилади (Kemppainen T, Kroger H, Janatuinen E, et.al., 1999). Ц бўлган беморларда Д витамини танқислиги туфайли аутоиммун асоратлар ривожланиши кузатилган (Tavakkoli A, Di Giacomo D, Green P, Lebwoh B, 2013). Д витамини танқислиги кўпроқ йўғон ичак яллиғланиши бўлган беморларда аниқланган (Alex Ulitsky, Ashwin N. Ananthakrishnan, Amar Naik, Sue Skaros, Yelena Zadvornova, David G. Binion, and MazenIssa, 2011). Бундан ташқари Д витамини танқислиги сурункали яллиғланиш ичак касаллиги беморларда канцерогенезнинг ошишига олиб келади. Сўнгги йиллар нашрларида организмда Д витаминининг кам миқдорда бўлиши аллергия касалликларни ҳам ўсишига сабаб бўлиши ҳақида ёритилмоқда (Allen K.J., Koplin J.J, Ponsonby A.L., et.al, 2013). Австралиялик олимларнинг аниқлашларича, Д витамини танқислиги ёки етишмовчилиги бўлган болалар Д витамини 50 nmol/Лдан юқори бўлган болаларга қараганда

аллергия ривожланишига мойил бўлишади, бу эса аллергик касалликларни тузатишда Д витамининг аҳамияти ҳақидаги масалани кўтаришга асос бўлади. Шунга қарамасдан, болалардаги турли ичак касалликларининг келиб чиқиши прогнози ва оқимида Д витаминининг ўрни ҳалигача очиқ қолмоқда.

Д витамининг кўплаб касалликлар келиб чиқишидаги аҳамияти ҳақида тушунчаларнинг кенгайиши муносабати билан йил давомида 300 кундан кўпи қуёшли бўлган Ўзбекистонда унинг овқат ҳазм қилиш бузилиши билан боғлиқ бир қатор касалликларга таъсирини аниқлаш зарурати юзага келди, буларга Ц, СЭ ва АЭ киради (Камилова А.Т., Дустмухамедова Д.Х., Хушвақтова З.А, Сыров В.Н, 2013; Камилова А.Т., Арипов А.Н., Ахмедова И.М, Султанходжаева Ш.С., 2017).

Хозирги пайтда болалар орасида ичак касалликларининг сонини ортиши кузатилмоқда. Касаллик ривожланишининг юқори хавфи мавжуд болалар гуруҳларини аниқлаш мақсадида Д витаминининг ўрни ва аҳамиятини аниқлаш йўли билан уларнинг оқибатларини башоратлаш имконини берувчи илмий-тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФЁСС-2 «Болалар ичак касалликларида Д витамини ҳолати, касаллик ташхиси ва жараёнига Д витамини саплементацияси таъсири» (2012-2014йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Д витамини етишмовчилигининг юқори инсоляцияли зоналарда болалар ичак касалликлари клиник кўринишга, кечиши ва прогнозига таъсир механизмларини аниқлаш ҳамда асосланган коррегирловчи даволаш усулларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Д витамини танқислиги ва етишмовчилигининг клиник хусусиятларини аниқлаш ва унинг болалар жисмоний ривожланиши ҳамда ичак касалликларида овқат ҳазм қилиш-ташиш конвейери ҳолатига таъсирини баҳолаш;

болалар ичак касалликларида фосфор-кальций алмашинуви айрим кўрсаткичлари ва қалқонсимон олди беши фаоллигини аниқлаш;

целиакияли болаларда Д витамини миқдори ва bcl-2, p53 оқсиллар гуруҳи миқдори, ўн икки бармоқли ичак шиллиқ пардаси эпителиаллараро лимфоцитлари билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

Д витамин миқдорини ҳисобга олган ҳолда болаларда ичак касалликларини даволашга мослаштирилган ёндашувни ишлаб чиқиш;

Д витамини саплементацияси ва анъанавий даволаш фонида касалликнинг турли шаклларида ишлаб чиқилган даволаш усуллари самарадорлигини баҳолаш;

болалар сурункали ичак касалликлари рецидивлари муддати ва ремиссияси давомийлигига мослаштирилган даволанишнинг узоқ муддатли натижаларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 160 нафар ичак касалликли, улардан 60 нафари целиакияли, 60 нафари сурункали энтероколитли, 40 нафари аллергик энтероколитли ва 31 нафар амалий соғлом болалар олинди.

Тадқиқотнинг предмети болалар вена қони ва зардоби иммунологик ва иммуногенетик тадқиқотлар учун, ўн икки бармоқли ичак биопсияси намуналари морфологик тадқиқотлар учун ва нажаси копрология тахлили учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, функционал-инструментал, морфологик, иммуногенетик, иммунологик ва статистик усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор юқори инсоляция минтақада Д витамини алманишуви ва болалар сурункали ичак касалликларида унинг танқислиги ва етишмовчилигининг клиник кўринишлари аниқланган;

болаларда озуқавий етишмасликка ва ингичка ичагининг овқат ҳазм қилиш фаолиятига Д витамин танқислиги таъсири исботланган;

стимулланган Т-лимфоцит ҳужайралари чўкмаси усти суёқлигида лимфотоксинлар концентрациясини аниқлаш орқали болаларда АЭ ташхислаш усули ишлаб чиқилган;

илк бор целиакияда Д витамини танқислиги р53 ўсма маркерининг ортиши ва bcl-2 оқсили камайишининг билан ўзаро боғлиқлиги исботланган;

Д витамини ичак шиллиқ қавати эпителияси регенерациясини, мембранавий овқат ҳазм қилишни ва сўрилишни бошқаришда иштирок этиши исботланган;

сурункали ичак касалликли болаларда Д витаминининг танқислик даражасига қараб витамин қўшимчасини шахсан ўзлаштириш ёндашувининг самарадорлиги даволашда ва катамнезда кейин баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ичак касалликларида Д витамини танқислиги ва етишмовчилигининг клиник белгилари ва унинг кучайиш даражаси касаллик шаклига боғлиқлиги аниқланган;

болаларда АЭ ташхислаш усули ишлаб чиқилган ва касалликнинг аллергенлар-триггерлари аниқланган;

болалар ингичка ичак касалликларида Д витамини танқислигининг информатив ва аниқ биокимёвий маркерлари аниқланган;

сурункали ичак касалликли болаларда Д витамини саплементациясига дифференцирланган ёндашув муҳимлиги исботланган, витамин Д танқислиги ва етишмовчилигига асосида уни қабул қилиш давомийлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда

олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти болаларда юқори даражада инсоляцияланган зоналарда ичак касалликларида Д витамини аҳамияти аниқлаш асосида даволашнинг янги услулларини ишлаб чиқиш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган. Касалликда аниқланган фосфор-кальций алмашинувининг айрим кўрсаткичлари ва қалқонсимон олди беги фаоллиги, целиакияда Д витамини миқдори ва bcl-2, p53 оқсиллар гуруҳи миқдори, ўн икки бармоқли ичак шиллиқ пардаси морфологияси ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий натижалари ингичка ичак касалликларида Д витамини танқислиги ва етишмовчилигининг клиник белгилари ва унинг кучайиш даражаси касаллик шаклига боғлиқлиги аниқланган, сурункали ичак касалликли болаларда Д витамини саплементациясига дифференцирланган ёндашув муҳимлиги исботланган, витамин танқислиги ва етишмовчилигига асосида уни қабул қилиш давомийлиги аниқланган. Жорий қилинган патогенетик асосланган даволаш усули касалликнинг оғир асоратлари ривожланишини олдини олиш, касаллик рецедивини камайтириш, даволаш самарадорлигини ошириш ва беморлар ҳаёти сифатини яхшилаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юқори даражада инсоляцияланган минтақаларда болалар ичак касалликларида Д витамини етишмовчилигини ташхислаш ва даволашнинг янги услубларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ичак касалликлари бўлган болаларни даволашни оптималлаштириш йўллари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 19 августдаги 8н-р/119-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ремиссия муддатини узайтиради ва касалхонага ётувчи беморлар сонини камайтиради, бу эса ўз навбатида ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради;

Т-лимфоцит ҳужайраларни чўкмаси усти суяқлигида лимфотоксинлар концентрациясини аниқлаш орқали болаларда аллергия энтероколитни ташхислаш усули АДСС 15.1.2 «Болаларда гастроинтестинал шакли овқат аллергияси: Т-ҳужайраларнинг патогенетик аҳамияти, ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш» мавзудаги грант лойиҳасида ҳамда шу лойиҳа асосида ишлаб чиқилган услубий қўлланмада (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 11 сентябрдаги 8н-р/164-сон маълумотномаси) фойдаланилган. Жорий қилинган ташхислаш усули энтероколитни клиник кечишини аниқлаш, клиник-иммунологик кўрсаткичларнинг аҳамияти асосида этиопатогенетик даволашни такомиллаштиришга хизмат қилади;

Д витамин миқдорини аниқлаш усули АДСС 15.1.4 «Болаларда бронхиал астмани башоратлаш мезонлари ва босқичли коррегирлаш услулларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги лойиҳасида фойдаланилган. Жорий

қилинган усул болаларда касаллик ремиссия даврини узайтиришга ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади;

юқори даражада инсоляцияланган минтақаларда витамин Д етишмовчилигини ташхислаш, болалар ичак касалликларида ушбу витаминнинг танқислиги клиник белгилари ва унинг кучайиш даражаси касаллик шаклига боғлиқлиги аниқлаш ва даволашнинг янги услубларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий амалий маркази ва Жиззах вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази амалиётларига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 19-августдаги 8н-р/119-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар юқори даражада инсоляцияланган минтақаларда болаларда Д витаминининг етишмаслиги, ичак касалликлари ташхислаш ва даволашнинг янги услубларни қўллаш орқали касаллик билан оғриган болаларни стационарда даволаниш кунлари 5-6 кунга камайтиришга ва ремиссия муддатини узайтиришга имкон яратади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 185 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация структураси ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Болалардаги ичак касалликлари, уларнинг ривожланиши ва прогнозидаги Д витаминининг аҳмияти ҳақида замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Шарҳда болалардаги ичак касалликлари ҳақидаги замонавий қарашлар таҳлил қилинган, касаллик ривожланишида Д витаминининг аҳамияти, касаллик профилактикаси ҳамда даволаш тамойилларида Д витаминининг танқислиги ва етишмовчилиги, шунингдек, вс1-2 оқсиллар гуруҳи ва р53оқсили миқдорининг клиник аҳамияти ёритилган.

Диссертациянинг «Ичак касалликлари бор болалар тавсифи ва тадқиқотда қўлланилган усуллари» деб номлаган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари очиб берилган. 160 нафар ичак касаллиги билан оғриган болалар текширилган. Текширилаётган болалар 3 гуруҳга бўлинди: 3-16 ёшдаги 60 та целиакция бўлган болалар (Ц), 2-6 ёшдаги 60 та сурункали энтероколит (СЭ) бўлган болалар, 6 ойликдан 4 ёшгача бўлган 40 та аллергия энтероколит бўлган болалар (АЭ).

Касаллик ташхиси умумий қон таҳлили, копрология, овқат ҳазм қилиш тизимини ультратовуш текширувини ўз ичига олувчи пухталиқ билан тўпланган анамнез, комплекс клиник лабораториявий, иммуногенетик ва инструментал текширувлар асосида текширилди. Ц ташхисини тасдиқлаш учун Marshнинг сўнгги морфометрик тадқиқоти бўйича ошқозон-ичак тракти юқори қисми эндоскопик текширувдан ўтказилди ва 12-бармоқ ичакнинг шиллик қаватидан биопсия намуналари олинди (Marsh M. N, 1992).

Биокимёвий тадқиқотлар иммунофермент усули билан иммуноглобулин Анинг трансглутаминаз тўқималарда антитаначаларни, умумий иммуноглобулин А, ИФА усулида озиқа аллергияларга ўзига хос IgE антитаначаларни, қон зардобидида умумий оқсилни аниқлашни ўз ичига олган.

Аллергия энтероколит умумий иммуноглобулин Ени ва озуқа аллергияларга иммуноглобулин Енинг ўзига хослиги ҳамда озуқа аллергиялардаги антиген билан боғлиқ лимфоцитларни аниқлаш асосида юзага келади. Тадқиқот давомида, IgE билан боғлиқ бўлмаган касалликлар ташхиси учун методлар ишлаб чиқилди, жумладан, бемор вена қонидаги гепаринизланган суюқликда лимфоцитларнинг турли озуқа аллергияларига медиатор фаоллигини аниқланди (соя, глютен, сигир сути оқсиллари, тухум оқи, цитрус меваси, сигир гўшти, товуқ гўшти). Инфракизил диапазонда 450 нм бўлган тўлқин узунлигида иккита намуна текширилади: бемор қонидаги турли аллергияли культивацияланган лимфоцитлар (тажрибали намуна) ва назорат намунаси культивацияланмагансиз қон. Синов намунасининг оптик зичлиги 1 дан 15 гача оптик қоида билан боғлиқ ҳолда ошиб кетганда, аллергия жараёнининг мавжудлиги ташхисланади.

Ц бўлган беморларда 12 бармоқли ичакнинг шиллик қаватидаги биоптатда эпителиаларо лимфоцитлар, р53 ген ва bcl-2 оқсиллар даражасини аниқлаш учун гистоморфологик текширишлар ўтказилди (клон ДО-7, Дания) (Электрон микроскопия бўлими, ТошПТИ).

Ингичка ичакдаги лактоза фаоллигини ўрганиш учун лактоза (ЛТТ) билан юклама тестлари қўлланилди, ингичка ичак сўрилиши функциялари глюкоза толерант тести билан аниқланди, у 1 г тана вазни ҳисобига рег ос олиб борилди, кейингиси глюкозатолерант усули билан 30 ва 60 дақиқадан кейин глюкоза миқдори аниқланди. Гликемиянинг ўсишига бир соат давомида 1,1 ммол / лдан юқори бўлганлиги аниқланди.

Тадқиқотнинг махсус усуллари қон зардобидида 25(ОН)D кальций, фосфор, паратгормон, ишқорий фосфатни аниқлашни ўз ичига олади. Д витамини ва паратгормон ИФА усули билан Elecsys-2010 аппаратида (Швейцария) аниқланди. Қон зардобидида Д витамини ҳолатини баҳолашда

М. Hollick [2005] мезонларидан фойдаланилди. Витамин Д миқдори қон зардобида 25(ОН)D 30 нг/млдан ошиқ бўлганда етарли ҳисобланади. Д витамини танқислигида 25(ОН)D концентрациясининг пасайиши қон зардобида 20 нг/мл (50 нмоль/л) кам бўлади; Д витамини етишмовчилиги эса 25(ОН)D концентрациясининг қон зардобида 21-29 нг/мл оралиғида сақланиб қолади. Д витамини қачонки концентрация қон зардобида 30 нг/млдан ошиқ бўлса етарлича бўлади.


Кузатув динамикасида ичак касалликлари бўлган болаларни жисмоний ривожланишини баҳолаш Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мувофиқ амалга оширилди (ЖССТ, 2006).

Назорат гуруҳи 1 ёшдан 12 ёшгача бўлган 31 нафар болани ташкил этди.

Натижаларнинг статистик ишланмаси EXCEL пакетида ишлаб чиқилди, дастур томонидан арифметик ўртача қийматларни (М) ҳисоблаш, уларнинг стандарт хатолар (м), ишонч оралиғи (с) ва фарқлар ишончилиги Стьюдент t- мезони асосида амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Ичак касалликлари билан оғриган болаларда Д витамини ҳолати ва кальций-фосфор алмашинуви**» деб номланган учиничи бобида Д витамини танқислиги ва етишмовчилининг клиник пайдо бўлиши ва овқат ҳазм қилиш функцияларининг ҳолати таҳлил қилинади.

Ц бўлган беморларнинг 48%да Д витамини танқислиги аниқланган, ҳар 4 – беморда (15/25%) жуда паст кўрсаткичлар кузатилди (10 нг/млдан паст). Ц бўлган беморларда Д витаминининг етарлича таркибда эмаслиги 12 та беморда (20%) аниқланди. СЭда Д витамини танқислиги Ц бўлганларга қараганда 1,4 марта камроқ 34(56,7%). Д витамини етишмовчилиги эса 26 та беморда (43,3%) кузатилди, бу Ц бўлган беморлар билан таққослаганда 2,2 марта кўпроқ (1-расм).



■ Танқислик (витамин Д, < 20 нг/мл)

■ Етишмаслик (витамин Д, 21-29 нг/мл)

□ Норма

1-расм. Д витамини миқдори кўрсаткичлари %да

АЭ бўлган болаларда Д витамини танқислиги ҳар бир 4 беморда аниқланди (10/25,0%), кўрсаткич Ц бўлган беморлар билан солиштириганда 3 марта камроқ. Д витамини етишмовчилиги АЭ бўлган болаларнинг 27 тасида (67,5%) аниқланди, 3 нафар болада Д витамини кўрсаткичи назорат гуруҳидагилар кўрсаткичларига мос келди. Д витаминининг ўртача миқдори барча гуруҳдаги болаларда пасайган, хусусан, Ц ва СЭ бўлганларда. АЭ гуруҳидаги мижозлар гуруҳида 2 марта пасайиш кузатилди, Ц ва ХЭ бўлган болалар гуруҳида эса – 3 мартагача ($p < 0,001$) ва 2,4 марта ($p < 0,05$) (1-жадвал).

1-жадвал

Текширилаётган болаларда Д витамини кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Витамин Д3, нг/мг
Ц (n=60)	14,8±1,0***
СЭ (n=60)	18,6±2,1*
АЭ (n=40)	22,8±1,8*
назорат (n=31)	45,1±3,4

Изоҳ: - * маълумотлар ишончилиги назорат гуруҳига кўра (* - $P < 0,05$; ** - $P < 0,001$)

Шундай қилиб, Ц, СЭ ва АЭ бўлган болаларнинг аксарияти Д витамини танқислиги ва етишмовчилигининг турли даражалари кузатилади. Ўртача статистик кўрсаткичлар 25(ОН)D миқдорининг Ц да 3 марта, СЭда 2,5 марта ва АЭда 2 марта пасайишини кўрсатади.

Болаларда касалликнинг барча турларида ҳар хил даражадаги мембрана ва овқат ҳазм қилиш бўшлиқлари бузилишининг турли клиник кўринишлари кузатилади. Ц бўлган болаларда Д витамини танқислиги ва етишмаслигининг клиник юзага келиши таққосланганда оғриқли синдромлар кузатилди (47,9±7,2% етишмовчиликда, 91,7±7,9% танқисликда $p < 0,05$) ва ошқозон ости беги липолитик функциялари бузилиши (79,2±5, танқисликда ва 33,3±13,6% Д витамини етишмовчилигида, $p < 0,05$), болаларда Д витамини танқислигида витамин етишмовчилиги билан таққосланганда, овқат ҳазм қилиш бўшлиғи бузилишига ва ичаклар яллиғланишига Д витамини таъсири аниқланди. Тахминан шундай вазият СЭ беморларда ҳам кузатилган: оғриқ синдромининг кучайиши ва амилорея ва стеатореянинг аралашган турининг етарлича ошиши, панкреатик липазаларнинг пасайишига олиб келади, худди шундай ўт –қопнинг ҳам бузилишига сабаб бўлади (35,3±8,2% танқисликда ва 15,4±7,1% етишмовчиликда $p < 0,05$). АЭ беморларда юқоридаги ўзгаришлар у қадар аҳамиятли бўлмаган. Д витамини танқислиги витамин етишмаслиги билан таққослагандаги клиник белгилари хусусиятлари унинг кўрсаткичларига кўра Ц беморларда суюқ оғриғи, тишлар деформацияси, соч тузилишидаги ўзгаришлар ва тери қуруши каби белгиларда намоён бўлади ($p < 0,05$). Терлаш, чарчоқ, тахикардия каби белгилар Д витамини етишмаслиги билан боғлиқ. (2-жадвал). Ц бўлган болаларда нутритив етишмовчилик Д витамини танқислигига боғлиқлиги эътиборни жалб қилади. Шундай қилиб, Д витамини танқислигида ООЭЭ ўртача-оғирлик даражасида 33,3±6,8%ни ташкил этди, Д витамини етишмовчилигида эса – 8,3±7,8%ни ташкил этди. Д витамини танқислигида ООЭЭ оғир даражада 10,4±4,4% кўрсаткичда, витамин етишмовчилигида эса ҳеч бир мижозда кузатилмади ($P < 0,05$). Шунга ўхшаш ҳолат СЭ бўлган беморларда ҳам кузатилди. Д витамини танқислигида етишмаслиги билан таққослаганда

кўпроқ метаболик ва суяклардаги бузилишлар кузатилди (соч тўкилиши, чарчок, мускул гипотонияси, тишлар деформацияси ва суяклардаги оғриқлар) (3-жадвал).

2-жадвал

Целиакция бўлган болаларда Д витамининг камайишининг клиник белгилари (n=60)

Белгилари	Танқислик (n=48)		Етишмаслик (n=12)	
	Абс.	%	Абс.	%
ООЭЕ:				
<i>Енгил даражаси</i>	6	12,5±4,8	2	16,7±2,3
<i>Ўртача-оғир</i>	16	33,3±6,8	1	8,3±7,8*
<i>Оғир даражаси</i>	5	10,4±4,4	0	0,0±0,0*
Суяклардаги оғриқ	40	83,3±5,4	4	33,3±13,6*
Тиш кариеси	30	62,5±6,9	6	50,0±14,4
Тишлар деформацияси	47	97,9±2,1	5	41,7±14,2*
Заиф сочлар	46	95,8±2,9	7	58,3±14,2*
Соч тўкилиши	45	93,8±3,5	5	41,7±14,2*
Мускул гипотонияси	46	95,8±2,9	5	41,7±14,2*
Тери қуруши	45	93,8±3,9	5	41,7±14,2*
Лоҳаслик	44	91,7±3,5	8	66,7±13,6
Чарчок	43	89,6±4,4	9	75,0±12,5
Адинамия	17	35,4±6,9	3	25,0±12,5
Терлаш	48	100,0±0,0	12	100,0±0,0
Тахикардия	31	64,6±6,9	5	41,7±14,2

Изоҳ: * - маълумотлар ишончилиги д витамини танқислиги ва етишмовчилиги орасидаги кўрсаткичларга кўра (P<0,05).

3-жадвал

СЭ бўлган болаларда Д витамини камайишининг клиник белгилари (n=60)

Белгилари	Танқислик (n=34)		Етишмаслик (n=26)	
	Абс.	%	Абс.	%
ООЭЕ:				
<i>Енгил даражаси</i>	15	44,1±8,5	11	42,3±9,7
<i>Ўртача-оғир</i>	5	14,7±6,1	1	3,8±3,8
<i>Оғир даражаси</i>		0,0±0,0		0,0±0,0
Суяклардаги оғриқ	16	47,1±8,6	6	23,1±8,3*
Тиш кариеси	25	73,5±7,6	15	57,7±9,7
Тишлар деформация	33	97,1±2,9	17	65,4±9,3*
Заиф сочлар	32	94,1±4,0	20	76,9±8,3*
Соч тўкилиши	27	79,4±6,9	13	50,0±9,8*
Мускул гипотонияси	29	85,3±6,1	15	57,7±9,7*
Тери қуруши	31	91,2±4,9	15	57,7±9,7*
лоҳаслик	29	85,3±6,1	15	57,7±9,3
Чарчок	27	79,4±6,9	17	65,4±6,3*
Адинамия	12	35,3±8,2	3	11,5±5,2
Терлаш	34	100,0±0,0	24	92,3±9,8
Тахикардия	21	61,8±8,3	13	50,0

Изоҳ: * - маълумотлар ишончилиги д витаминининг танқислиги ва етишмовчилиги кўрсаткичларига кўра (P<0,05).

АЭ беморларда Д витамини танқислигида кўпроқ астено-вегетатив синдромлар кузатилди: терлаш ($70,6 \pm 7,8\%$ танқисликда ва $38,5 \pm 9,5\%$ етишмовчиликда, $p < 0,05$), тахикардия $32,4 \pm 8,0\%$ танқисликда ва $7,7 \pm 5,2\%$, $p < 0,05$) етишмовчиликда, ва ООЭЕ енгил даражаси – $40,0 \pm 8,4\%$ танқисликда ва $3,8 \pm 3,8$ етишмовчиликда ($P < 0,05$).

Давомида биз ичак касалликлари билан оғриган болалар организмида Д витаминининг етишмаслиги миқдорига кўра мембран овқат ҳазм қилиш тизими ва ингичка ичакда сўрилиш боғлиқлигини таҳлил қилдик (4-жадвал).

4-жадвал

Ичак касалликлари билан оғриган болаларда лактозотолерант тест ошишининг қиёсий таҳлили

Витамин Д миқдори	Лактозотолерант тест кўрсаткичлари (гликемия ошиши) (ммол/л)	P<норма	Глюкозотолерант тест кўрсаткичлари (гликемия ошиши) (ммол/л)	P<норма
Норма	$1,64 \pm 0,2$		$1,7 \pm 0,1$	
Танқис, n=92				
Ц, n=48	$0,5 \pm 0,05$	$< 0,01$	$0,7 \pm 0,05$	$< 0,01$
СЭ, n=34	$0,7 \pm 0,06$	$< 0,01$	$1,0 \pm 0,03$	$< 0,01$
Етишмаслик, n=65				
Ц, n=12	$0,7 \pm 0,05$	$< 0,01$	$1,0 \pm 0,09^*$	$< 0,01$
СЭ, n=26	$1,0 \pm 0,07^*$	$< 0,05$	$1,2 \pm 0,08$	$< 0,05$

Изоҳ: * - маълумотлар ишончилиги Д витамини танқислиги ва етишмаслигида ЛТТ ва ГТТ кўрсаткичларига кўра ($P < 0,05$)

Ц беморларда Д витамини танқислиги витамин етишмаслигидан фарқли равишда ингичка ичакда сўрилиш бузилишидаги фарқлари аниқ кўрсатилди ($p < 0,05$), шунинг билан бирга, лактоза фаоллиги танқисликда Д витамини етишмаслиги билан таққослаганда 1,4 марта пасайганини кузатиш мумкин, бироқ тавофут унчалик катта эмас. Худди шундай, СЭ беморларда ҳам лактоза фаоллигини Д витамини танқислигида унинг етишмаслигига кўра таққослаб ўргандик. Биргаликда, ГТТ пасайишини кўриш мумкин, бироқ фарқ деярли сезилмайди.

Умуман олганда, келтирилган маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, иккала гуруҳдаги касаллик соғлом болалар кўрсаткичларидан кескин фарқланишини таъкидлаш лозим. Тадқиқотлар фақатгина Ц ва СЭ бўлган болалар гуруҳларида ўтказилди, АЭда сизир сутидаги оқсиллар касаллик кучайишига триггер бўлган.

Шундай қилиб, Д витамини танқислиги ва етишмаслиги Ц ва СЭ бўлган барча беморларда аниқланди, энг яхши ҳолатлар АЭ мижозларда кузатилди. Ичак касалликлари клиник симптомларини ўрганиш асосида олинган маълумотлар уларнинг полиморфизми ҳақида гувоҳлик беради. СЭ ва АЭнинг клиник белгиларининг ўзига хослигига қарамай, метаболик бузилиш кўп ҳолларда Цда, СЭда камроқ, АЭда эса сезиларсиз даражада учрайди.

Мембран овқат ҳазм қилиш тизими ва ингичка ичакда сўрилишнинг сезиларли пасайиши Ц ва СЭ беморларда кузатилди. Ушбу маълумот ингичка ичак шиллиқ қаватининг қаттиқ атрофик жараёнида Д витамини сўрилишининг секинлашувига олиб келади деб тахмин қилишимизга сабаб бўлади. Маълумки, Д витамини ўн икки бармоқли ичак ва йўғон ичакда кўпроқ сўрилади, яъни локализация зонасида Цга хос бўлиб (Reboul E, 2015). Маълумки, ушбу витамин ичакдан мицелл кўринишида сўрилади, сафро тузлари, ёғли кислоталар ва моноглицеридларни қамраб олади ва лимфатик тизимга айланади (Silva M.C., Furlanetto T.W., 2018).

Кальций-фосфор алмашинуви ва унинг регуляторлари бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари Д витамини танқислиги ва етишмаслик даражаси орасидаги боғлиқликни, Ц беморлардаги умумий ва ионлашган кальций, фосфорларни, шунингдек, ишқорий фосфатазаларни ва паратгормонларни кўрсатди. Демак, ИФ кўрсаткичлари 2,3 марта Д витамини танқислигида ва 1,2 марта – витамин етишмаслигида, паратгормон - 3,2 марта Д витамини танқислигида ва 2,6 марта – Д витамини етишмаслигида ошган ($p < 0,05$, $p < 0,001$). Худди шундай Д витамини танқислиги ва етишмовчилигида умумий, ионлашган кальций ва фосфорлар сезиларли фарқи ва аҳамияти ҳам кўрсатилди. СЭ беморларда ҳам худди шундай кўрсаткичлар кузатилади, умумий кальций кўрсаткичларининг йўқлиги сабаб болаларда Д витамини танқислиги ва етишмаслиги айтарли фарқланмади. АЭ беморлар орасида ишқорий фосфатаз ва паратгормон кўрсаткичлари фарқланди, улар Д витамини танқислигида Д витамини етишмаслиги билан таққослаганда сезиларли даражада юқори (5-жадвал).

5-жадвал

Ичак касаллиги билан оғриган беморлардаги биокимёвий кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлили

Д витамини микдори	Са, ммоль/л	Ионланган Са, ммоль/л	ИФ, ммоль/л	Фосфор, ммоль/л	ПТГ, пг/мл
Норма	2,35±0,08	1,2±0,04	95,5±1,4	1,48±0,05	9,1±0,5
Танқис, n=92					
Ц, n=48	2±0,04**	0,96±0,07**	219,5±2,9***	0,98±0,05***	29,3±1,9***
СЭ, n=34	2,34±0,07	1,12±0,04	189,3±2,1**	1,14±0,05**	27,2±1,4***
АЭ, n=10	2,2±0,02	1,18±0,05	170,6±3,9**	1,4±0,05	15,6±1,3**
Етишмаслик, n=65					
Ц, n=12	2,2±0,03 [^]	1,1±0,02* [^]	179,1±2,9** ^{^^}	1,13±0,02*** [^]	24,6±3,2*** [^]
СЭ, n=26	2,3±0,07	1,1±0,01* [^]	140,2±3,6** ^{^^}	1,32±0,03* [^]	18,6±2,8*** [^]
АЭ, n=27	2,34±0,09	1,17±0,04	102,2±2,5* ^{^^}	1,42±0,05	10,7±1,4* [^]


Изоҳ: * - кўрсаткичлар ишончилиги нормага кўра (* - $P < 0,05$; ** - $P < 0,01$; *** - $P < 0,001$); [^] - маълумотлар ишончилиги Д витамини танқислиги ва етишмаслиги кўрсаткичларига кўра ([^] - $P < 0,05$; ^{^^} - $P < 0,01$; ^{^^^} - $P < 0,001$)

Шундай қилиб, ичак касалликларида Д витамини етишмаслигининг биокимёвий мезонлари қон зардобадаги паратгормон ва ишқорий фосфатазада акс этади. Д витамини таркибининг биокимёвий кўрсаткичлар билан ўзаро алоқадорлигининг корреляцион таҳлили фосфорли кальций алмашинув ва паратгормон миқдори билан тавсифланади, Ц, СЭ ва АЭда қайта корреляцияда Д витамини таркиби ишқорий фосфатаза миқдори билан аниқланган (мувофиқ $r=-0,710$ и $r=-0,623$, $r=-0,589$).

Диссертациянинг «Апоптознинг иммуногискимёвий омилларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг целиакия бўлган болаларда Д витамини миқдorigа боғлиқлиги» деб номланган тўртинчи бобида ингичка ичакнинг морфологик ўзгаришлари қиёсий тавсифланган.

Д витамини етишмовчилиги бўлган болалар гуруҳида дистал ўн икки бармоқли ичакнинг эпителия ва стромал-томир компонентларининг тузилиши ўзига хос морфологик хусусиятларга эга. Ўн икки бармоқли ичак шиллик қавати юпқа қисқартирилган тукчалар билан кўрсатилади, бунда шиллик қаватнинг қалинлиги сезиларли камаяди. Эпителиал қопламада гипохром миқдорнинг бокалкўринишдаги хужайралар ўлчамида сезиларли камайиши кузатилади. Энтероцитлар цилиндрсимон шаклга эга, зич жойлашган, уларнинг илдизи хужайраларнинг базал қисмида жойлашган. Шахсий бириктируви тўқималитукчалар стромаси фибробластлар билан акс эттирилган бўлиб унда лейкоцитар ва лимфоцитар инфильтрациянинг унчалик катта бўлмаган ўчоғи учрайди.

Ингичка ва glandуларлар эпителиясида дистрофик, атрофий ўзгаришлар ингичка ичак шиллик қаватининг барча қисмларида Д витамини танқислиги билан текширилаётган болалар гуруҳида, шунингдек, ички бирикма тўқималарининг стромаси ва шиллиқости бирикма тўқималарининг лимфоцит инфильтрацияси шаклидаги яллиғланиш ўзгариши аниқланди. (2-расм).



2-расм. Целиакия бўлган бемор И нинг (14 ёш) Д витамини танқислигидаги ўн икки бармоқли ичак шиллик қавати. Шиллик девор. Бокалкўринишли хужайралар деструкцияси, лимфоцитлар кўплиги. Гемотоксиллин-эозин бўёғи.

Катталашган:Ок. х 10, Об х 40.

Мукуляторнинг проксимал қисмларида туклар сезиларли равишда қисқартирилади ва бузилади, уларнинг аксарияти қисқартирилган полипсиз кўринишга эга. Тукчаларнинг ингичка эпителияси ҳам айлантирилади ва яссилашади, тукларнинг апикал қисмида бузилади ва девор қилинади. Энтероцитлар орасида ядроларнинг ажралиб чиқадиган оз сонли бузилган бокалкўринишли хужайралари аниқланади. Шиллиқ қаватлар ингичка бўлиб, унинг қалинлиги меъёрга нисбатан деярли икки баробарга камаяди, бу эса энтероцитлар ва деформацияланган бокалкўринишли хужайралари сонининг камайишига олиб келди. Крипталар анча узайган ва кенгайган, баъзи жойларда деформацияланган. Жойларда жойлашган қопланган эпителия хужайраларнинг кўпқиррали шаклланишини ҳосил қилади. Бундай крипталарда бокалкўринишли хужайраларнинг сони сезиларли даражада камаяди ва мавжуд хужайралар янгикўриниш босқичига ўтади. Крипталар туби бироз кенгайган, улардаги хужайралар гиперхром ва пролифератив фаол белгилар билан камбиал ёш энтероцитлардан иборат.

Целиакия касаллигининг энг эрта морфологик белгиси, ингичка ичак шиллиқ қаватининг эпителиаллараро лимфоцитлари миқдорини кўпайтиришдан иборат (Marsh M. N. et al., 1990) текширилаётган гуруҳда лимфоцитлар миқдори қиёсий таҳлил қилинган.

Д витамини етишмаслиги бўлган 8 (88,9%) нафар болада эпителиаллараро лимфоцитлар миқдори 40%дан ошмади, битта болада (11,1%) эпителиаллараро лимфоцитлар миқдори 40%дан ошди. Д витамини танқислиги бўлган беморларда эпителиаллараро лимфоцитлар миқдори 40%гача фақатгина 12,2% (4) нафар болада, 54,5% (18) да ўртача эпителиаллараро лимфоцитлар миқдори $78 \pm 6\%$ ни ташкил этди. Д витамини танқислиги бўлган болалардан 100% ортиқ эпителиаллараро лимфоцитлар миқдори 33,3% (11) нафар болада кузатилди, уларнинг ўртача миқдори $109 \pm 7\%$ ни ташкил этди.

Ингичка ичак биоптатлари таркибидаги умумий кўрсаткичлар миқдори ўрганилганда Д витамини миқдорига боғлиқ бўлган p53 оксиди, vcl-2 хужайра ва эпителиаллараро лимфоцитлар Д витамини танқислиги бўлган болаларда витамин Д етишмаслиги билан таққослаганда деярли 2,1 мартага p53 апоптоз маркерлари ошгани кузатилди. (мувофиқ $6,5 \pm 0,3\%$ ва $3,1 \pm 0,3\%$, $p < 0,001$). vcl-2 таркиби витамини танқислиги бўлган болаларда Д витамини етишмаслиги билан солиштирилганда 2,2 мартага пасайган ($7,5 \pm 0,4\%$ и $16,6 \pm 0,3\%$, $p < 0,001$).

Худди шундай ҳолат эпителиаллараро лимфоцитлар таркибида ҳам кузатилди: Д витамини танқислиги бўлган болаларда МЭЛ таркиби 3,5 мартага ошди ($p < 0,001$).

Шундай экан, морфологик тадқиқотлар натижасида Ц бўлган болаларда Д витамини танқислиги шиллиқ қаватнинг эпителиал компонентлари дистрофик ривожланади, деструктив ва атрофик ўзгаришлар дисрегенераторли қайта қуришлар билан яқунланади, стромал-томирли тузилиши эса алтератив ривожланади, дезорганицион ва яллиғланган қайта қуришлар лимфоид инфилтрат ва склероз ривожланиши билан яқунланади.

Тадқиқот ишимизда илк бора Ц мисолида ички апоптоза ва ички хужайравий bcl-2 оқсиллар омилини ишга тушурувчи p53 оқсили ўрганилди (Shalimar D.M. et.al., 2013).

Тадқиқотда кўрсатилганидек, bcl-2 апоптоз ингибитори Ц болаларда Д витамини танқислигида сезиларли пасайди, шунда, ичакдаги апоптотик жараёнда индуцирланган цитокинлар аутоиммун реакциялар чақирувчи глютенлар таъсирида кўпаяди. Бундан ташқари, сўнгги адабиётларда келтирилишича, bcl-2 нинг аутофагия келтирувчи оқсиллардан бири бўлган Беклин-1 нисбатан антагонистик таъсирга эга эканлигини кўрсатади, шунинг учун хужайрали органеллаларнинг исталмаган ўз-ўзини йўқ қилишга йўл қўймайди (Kroemer G., et.al., 2010; Shouval R.S., 2011).

Келтирилган маълумотларимиз, Д витамини ичак шиллик қаватининг эпителия даволашини бошқаришда иштирок этган ҳайвонларда ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижаларига мос келади (Kong J. et.al., 2007). Худди шундай натижалар ичак яллиғланиши билан оғриган катта ёшли мижозларда ҳам Крон касаллигида олинган (Raftery T., et.al., 2015). Ушбу кузатувлар Д витамини танқислиги ва ичак касалликлари ривожланиши билан ўзаро боғлиқликни изоҳлайди. Олинган маълумотларга кўра, Д витамини Ц бўлган болаларда интестинал шиллик қаватнинг ичак регенерациясини тартибга солишда фаол иштирок этади. Организмда Д витамини танқислиги ва ингичка ичак шиллик қаватининг эпителия атрофидаги p53 оқсилнинг ингичка ичакдаги шиллик қаватида ошишининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш, ингичка ичакнинг баъзи қисмларида регенерацияни кечиктириш ва ингичка ичак атрофий жараёнларини бошлаш имкониятини тасдиқлайди.

Ц бўлган болаларда морфологик кўрсаткичларнинг ўзгариши ва Д витамини танқислиги билан корреляцион ўзаро муносабатини ўрганиш p53 кўрсаткичлари билан кучли алоқадорлигини аниқланди (қайта алоқа ($r=-0,759$, $p<0,001$) ва bcl-2 оқсиллар оиласи (тўғри алоқа, ($r=+0,803$, $P<0,001$)).

Диссертациянинг «**Ичак паталогияси бўлган болалар учун Д витамини билан тузатишнинг шахсий усулларининг самарадорлиги**» деб номланган бешинчи бобида ичак касалликлари билан оғриган болаларни Д витамини ёрдамида тузатишнинг самарадорлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Д витамини препаратининг самарадорлигини баҳолаш учун болалар тасодифан иккита гуруҳга бўлинди. Асосий гуруҳ Д витамини индивидуал дозада базавий терапияда келтирилган маълумотларга кўра қабул қилган 115 та боладан иборат. Қиёсий гуруҳ базавий терапияда бўлсаларда Д витамини қабул қилмаган 45 нафар болалардан иборат (6 жадвал).

Барча беморлар Д витаминини сувда эрийдиган кўринишда (мицелланган) қабул қилишди, у ёғдан фарқли ўлароқ, қабул қилганда болада қуйидаги паталогиялар бўлганда яхши сўрилади: ингичка ичакда сўрилиш бузилганда; холестаза синдромида; ошқозон ости беши экзокрин етишмаслигида. Бундай беморларда сафро кислотаси миқдорини таъсирини ҳисобга олиб, Д витамининг энг яхши абсорбция мицелланган шакли Аквадетрим дори воситасидан фойдаландик (Захарова И.Н., 2014).

Д витаминининг миқдоридан келиб чиқиб даволовчи гуруҳлар орқали болаларни ичак касалликлари билан тақсимлаш

Д витамини миқдори	Асосий гуруҳ (n=115)						Қиёсий гуруҳ (n=45)					
	Ц		ХЭ		АЭ		Ц		ХЭ		АЭ	
	Абс	%	Абс	%	Абс	%	Абс	%	Абс	%	Абс	%
Норма	-	-	-	-	2	8,0	-	-	-	-	1	6,7
Етишмаслик	9	20	19	42,2	17	68,0	3	20	7	46,7	10	66,7
Танқис	36	80	26	57,8	6	24,0	12	80	8	53,3	4	26,7
Жами	45	100	45	100	25	100	15	100	15	100	15	100

Д витамини мицелланган шакли саплементациясида миқдори халқаро клиник стандартларни ҳисобга олдиқ (Roider E., ва хаммуал., 2013), малабсорбция синдромли 12 ёшгача бўлган болаларда Д витамини танқислигида кунлик миқдор 6 минг бирликни ташкил этади, 12 ёшдан катталарга эса 10 минг бирликда 3 ой давомида курс белгиланади. Витамин Д етишмаслигида Аквадетрим миқдори 2000 бирлик ташкил этди, мижозлар даволаш курсини 2 ой давом эттиришди.

Цда Д витамини танқислиги 36 нафар болада (80%), СЭда - 26 нафар болада (57,8%), АЭда - 6 (24%) нафар болада кузатилди. Целиакиялик болалардан 12 ёшгача бўлганлари 77,7% ни (28 та бола) ташкил этди ва Д витаминини, 6 минг Халқаро Бирлик миқдорда қабул қилишди, қолган болалар 12 ёшдан катта бўлиб (8 та мижоз 22,3%), улар Д витаминини - 10 минг Халқаро Бирликда қабул қилишди, АЭда—6 (24%) нафар болада, уларнинг қабул қилиш миқдори 6 минг Халқаро бирликни ташкил этди. Д витамини танқислиги бўлган болалар сувли эритмани 3 ой давомида қабул қилишди.

Д витамини етишмаслиги СЭ бўлган асосий гуруҳдаги 19 нафар болада (42,2%) ва 7 нафар қиёсий гуруҳдаги болаларда (46,7%) кузатилди; АЭда—17 ва 10 нафар бола кузатилди (68,0% ва 66,7%); Ц да— 9 ва 3 та бола қамраб олинди (20% ва 20%).

АЭ 3 нафар болада Д витамининг нормал миқдори аниқланди. 2 та бола асосий гуруҳга тушишди (8,0%), уларнинг профилактик дозаси 1000 бирликни ташкил этди ва 1 та бола қиёсий гуруҳга тушди (6,7%).

Даволашнинг асосий курси тугаганидан сўнг ҳам, барча болалар Д витамини танқислиги ва етишмовчилигидан қатъий назар, кунига 1000 бирлик дозада Д витамини билан даволаниш давом эттирилди. Бундан ташқари, барча болаларга элементар кальцийнинг юқори фоизини ва яхши сўрилишини ҳисобга олган ҳолда карбонат ва калций цитрат тузлари (фаол кальций) тайинланди (Abhijit Trailokya, et.al., 2017).

Терапияни мониторинг қилиш 3 ойдан сўнг ўтказилди ва клиник белгилар, ионланган кальций, фосфор, ишқорий фосфатаза, паратгормон ва 25 (ОН)Dни аниқлашни ўз ичига олди. Даволашнинг асосий усуллари касаллик нозологиясига, элиминацион парҳез, ичак антисептиклари

кўрсатмаларга, панкреатик ферментларга, сорбентларга, ёшга боғлиқ дозаларда, цинк препаратларига асосланишига боғлиқ эди.

Ц беморларда касалликнинг даволашгача ва даволашдан кейинги клиник кўринишларини таққослаш натижасида қуйидагилар аниқланди: ичнинг шилимшиқ келиши, қусиш ва амилорея ($p < 0,05$) камайиши. Суяклар оғриғи камайиши асосий гуруҳда даволашдан кейин ушбу белгилар 3 мартага кўпроқ кузатилган (54%) назорат гуруҳига қараганда даволашдан кейин 4 мартага камайган (73,3 дан 18%гача).

